

212 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا تَتَحَدَّثُ عَنْ حَجَّةِ الْوَدَاعِ وَالنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ أَظْهُرِنَا، وَلَا نَدْرِي مَا حَجَّةُ الْوَدَاعِ، حَتَّى حَمِدَ اللَّهُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَتَنَى عَلَيْهِ، ثُمَّ ذَكَرَ الْمَسِيحَ الدَّجَالَ فَأُطْنِبَ فِي ذِكْرِهِ، وَقَالَ: «مَا بَعَثَ اللَّهُ مِنْ نَبِيٍّ إِلَّا أَنْذَرَهُ أُمَّتَهُ؛ أَنْذَرَهُ نُوحٌ وَالنَّبِيُّونَ مِنْ بَعْدِهِ، وَإِنَّهُ يُخْرِجُ فِيكُمْ: فَمَا خَفِيَ عَلَيْكُمْ مِنْ شَأْنِهِ فَلَيْسَ يَخْفَى عَلَيْكُمْ، إِنَّ رَبَّكُمْ لَيْسَ بِأَعْوَرَ، وَإِنَّهُ أَعْوَرُ عَيْنِ الْيَمْنَى، كَأَنَّ عَيْنَهُ عِنَبَةٌ طَافِيَةٌ.

أَلَا إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَيْكُمْ دِمَائِكُمْ وَأَمْوَالِكُمْ، كَحُرْمَةِ يَوْمِكُمْ هَذَا، فِي بِلَدِكُمْ هَذَا، فِي شَهْرِكُمْ هَذَا، أَلَا هَلْ بَلَّغْتُ؟» قَالُوا: نَعَمْ، قَالَ: «اللَّهُمَّ اشْهَدْ - ثَلَاثًا - وَيْلَكُمْ - أَوْ: وَيْحَكُمْ - انظُرُوا: لَا تَرْجِعُوا بَعْدِي كَقَارَأَ يَضْرِبُ بَعْضُكُمْ رِقَابَ بَعْضٍ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ، وَرَوَى مُسْلِمٌ بَعْضَهُ. [خ 4402، م 66/120، 169، 169/100 في الفتن، باب ذكر الدجال].

212. Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам орамиздаликларида видолашув ҳажи деб гапирар эдик, лекин видолашув ҳажи нима эканини билмас эдик. У зот Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг Масиҳ Дажжолни зикр қилдилар ва у ҳақда узоқ гапирдилар. У зот: «Аллоҳ қай бир набийни юборган бўлса, у ўз умматини албатта огоҳлантирган. Нух ҳам, ундан кейинги набийлар ҳам ундан огоҳлантирганлар. У ораларингиздан чиқади. Унинг қандайлиги сиз учун махфийдир» деб, сўнг: «Лекин Роббингизнинг бир кўзли эмаслиги сиз учун махфий эмас. Дажжолнинг эса ўнг кўзи йўқ. Кўзи худди бўртиб турган узум донасига ўхшайди», дедилар».

«Огоҳ бўлинг, Аллоҳ қонларингиз ва молларингизни шу кунингиз, шу юртингиз ва шу ойингиз ҳарамлиги каби сизларга ҳарам қилди. Ҳой, етказдимми?» дедилар. «Ҳа», дейишди. Кейин уч марта «Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўл!» деб, сўнг «Ҳолингизга вой бўлсин [ёки Шўрингиз курсин], қаранглар, мендан кейин бир-бирининг бўйнига (қилич) урадиган кофирларга айланиб кетманглар!» дедилар».

*Имом Бухорий ривоятлари. Баъзисини имом Муслим ривоят қилдилар.*

Шарҳ: Барчамизга маълумки, Дажжол қиёмат қоим бўлиши олдидан ер юзида чиқиб, кўплаб одамларнинг йўлдан адашишларига сабаб бўладиган махлукдир. У ҳақида баъзи савол-жавобларни келтирсак.

- *Дажжол қаерда яшайди?*

- Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум бўлган оролда.

- *Дажжол чиққанидан кейин қанча яшайди?*

- 40 кун яшайди.

- *Бу кунларнинг узунлиги қай даражада бўлади?*

- Дажжол чиққан биринчи кун бир йилдек, иккинчи кун бир ойдек, учинчи кун бир ҳафтадек, қолган кунлар бизнинг кунларимиздек ўтади.

- *Дажжолнинг ёнида нималар бўлади?*

- Ёнида жаннат, дўзах ёки икки дарё бўлиб, бири муздек, иккинчиси алангаланиб қайнаб турган бўлади.

- *Ундаги жаннат ва дўзах ҳақиқийми?*

- Йўқ, ундаги жаннат аслида дўзах, дўзах эса аслида жаннатдир.

- *Дажжолнинг тезлиги қанчалик бўлади?*

- У шамол каби тез юради. Ҳадиси шарифда шундай келган:

“Эй Расулуллоҳ! У ер юзида қандай тезликда ҳаракат қилади?” “Ортидан шамол эсган ёмғирли булут каби. У бир қавмга келиб, даъват қилади. Улар унга иймон келтириб, даъватини қабул қиладилар...” (Имом Муслим 2937. Имом Термизий 2240).

- Дажжол қаерларга кира олмайди?

- Тўрт жойга кира олмайди: Маккага, Мадинага, Қуддусга, Тур тоғига. Бир ҳадисда бундай дейилган: “Дажжолнинг оёғи, биронта маконга етмай қолмайди. Лекин Макка, Мадина, Байтул-мақдис ва Тур тоғи бундан мустасно. Чунки фаришталар уни бу жойлардан қувиб чиқаради”. (Имом Қуртубийнинг “Тазкира” китоби).

- Дажжол неча кишини ўлдиради?

- Бир мўмин йигитни ўлдиради. У йигит ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **“Бу (мўмин киши) оламлар Роббиси ҳузурда шаҳидларнинг энг улуғидир”**. (Имом Муслим, Имом Бухорий ривоятлари).

- Дажжолнинг шакли қандай?

Саид ибн Жумҳон Сафийнадан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба ўқиб, шундай дедилар: **“Ҳар бир Набий умматини Дажжолдан огоҳлантирган. Огоҳ бўлинглар, унинг чап кўзи ғилай. Ўнг кўзининг устида ортиқча эти бор. Икки кўзининг ўртасига “кофир” деб ёзилган...”** (Тайолиси ва Имом Аҳмад ривоятлари).

Бошқа бир ҳадисда **“Ўқишни биладиган ва билмайдиган ҳар бир мўмин уни ўқий олади”** дейилган.

- Дажжолни ким ўлдиради?

- Аллоҳнинг Набийси Исо алайҳиссалом ўлдирадилар.

- Ер юзида Дажжолнинг фитнадан каттароқ фитна бўлганми?

- Ер юзида Дажжол фитнадан кўра каттароқ фитна бўлмаган.

Абу Умома ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга нидо қилиб, шундай дедилар:

**“Эй инсонлар! Аллоҳ Одам зурриётини яратгандан бери, ер юзида Дажжол фитнадан кўра каттароқ фитна бўлмаган. Аллоҳ азза ва жалла биронта Набийни юборган бўлса, албатта, у умматини Дажжолдан огоҳлантирган. Мен набийларнинг сўнггисиман. Сизлар энг сўнгги умматсиз. Шубҳасиз, у сизларга чиқади. Агар у мен орангизда бўлган вақтда чиқса, мен ўзим ҳар бир мусулмон учун у билан ҳужжатлашиб (ғолиб чиқаман). Агар у мендан кейин чиқса, ҳар бир киши ўзи учун ҳужжатлашади. Аллоҳ менинг ўрнимга ҳар бир мусулмонга ёрдам беради...”** (Ибн Можа ривояти).

- *Дажжол қаердан чиқади ва унга кимлар эргашади?*

- Дажжол шарқдан, аниқроғи, Хуросондан... Исфахоннинг Яҳудийя номли қишлоғидан чиқади. Сўнгра Ироқ билан Шом ўртасидаги Ҳижоз ерига боради.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **“Дажжол машриқдан, Хуросон деган ердан чиқади. Юзлари тери қопланган совутга ўхшайдиган гуруҳлар унга эргашади”**».

(Имом Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

- Дажжолга дунёдаги барча кофирлар, яҳудийлар, шу жумладан, Исфахон яҳудийларидан етмиш мингтаси эргашади. Қолаверса, мусулмонлар ичидаги жоҳиллар, илмсизлар, авомлар, аёллар ва ёш болалар эргашиб кетишлари айтилган.

- *Дажжол сўзининг маъноси нима?*

- Дажжол сўзининг луғавий маъноларидан бири “Ерни кесиб ўтувчи” деганидир. Бу малъун, узоқ масофаларни тезлик билан босиб ўтишда, ерни тез суратда айланиб чиқишда ғайриоддий қудратга эга. Шунинг учун унга “Дажжол” деб ном берилган. У ер юзини хачирга ўхшайдиган думсиз эшагига миниб, айланиб чиқади. Эшагининг икки қулоғи ораси қирқ зироъ келади. Дажжол шамол ҳаракатлантирган ёмғирли булут каби, ер юзида тез суръатда ҳаракат қилади. Бу ҳам Аллоҳ бандаларига юборадиган синовлардан ҳисобланади.

- *Дажжолдан қутулиш учун нима қилиш керак?*

- Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳадиси шарифларда айтган ишларни қилиш керак.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деб дуо қилар эдилар: **“Аллоҳим! Мен Сендан, дангасалиқдан, қариб-қаргайишдан, гуноҳдан, қарздор бўлишдан, қабр фитнаси ва қабр азобидан, дўзах фитнаси ва дўзах азобидан ва бойлик фитнасининг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Мен Сендан яна фақирлик фитнасидан паноҳ беришингни, Масихи Дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман. Аллоҳим! Менинг хатоларимни сув, қор ва дўл билан ювгин. Оқ кийим кирдан тозалангани каби қалбимни ҳам хатолардан тозалагин. Машриқ билан Мағрибни узоқлаштирганинг каби мен билан хатоларим орасини ҳам узоқлаштиргин”**. (Бешовлари Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилганлар).

Демак, доим дуоларимизда ушбу дуони ҳам қилиб юришимиз керак.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Сизлардан биронта киши Дажжолга йўлиқса, унга Каҳф сурасиниг аввалини ўқисин”**. (Имом Термизий ривоятлари).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шундай дедилар:

**“Сизлардан биронта киши Дажжолга дуч келса, унинг юзига тупурсин ва Каҳф сурасиниг аввалини ўқисин”**. (Имом Табароний ривоят қилганлар).

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

